



MILLIY TIKLANISH

47 (531) ● 2018 йил 28 ноябрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Таҳририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БМТ СОБИҚ БОШ КОТИБИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 ноябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг собиқ бош котиби, бугунги кунда Яшил тараққиёт глобал институти ассамблеяси ва Халқаро олимпия қўмитасининг Этика бўйича комиссиясига раҳбарлик қилаётган Пан Ги Мунни қабул қилди.

Пан Ги Мун Нукусда бўлиб ўтган Оролбўйи худудига экологик вазиятни яхшилаш масалалари ҳамда бу жараёнда корейс диаспорасининг ролига бағишланган халқаро конференцияда иштирок этиш учун мамлакатимизга келди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий қутлар экан, унинг тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, жумладан, замонавий глобал таҳдид ва хатарларга қарши курашишда жаҳон ҳамжамиятининг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш орқали минг йиллик ривожланиш мақсадларига эришишдаги катта хизматларини алоҳида таъкидлади.

Пан Ги Муннинг халқаро ҳамжамият эътиборини Орол фожиасининг салбий оқибатларини бартараф

этиш масалаларига қаратишга қўшган шахсий ҳиссаси юксак баҳоланди.

БМТ Бош котиби лавозимида у Ўзбекистон ва Марказий Осиё мамлакатларининг Оролбўйидаги экологик вазиятни яхшилаш борасидаги ташаббус ва тақлифларини фаол қўллаб-қувватлади.

Учрашувда Орол денгизи минтақасида устувор лойиҳаларни амалга оширишда халқаро институтлар ва ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари кўриб чиқилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш ва стратегик шерикликни мустаҳкамлаш юзасидан ҳам фикр алмашилди. Ўзбекистонда истиқомат қилаётган кўп сонли корейс диаспорасининг халқларимиз ва мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ўзаро англашувни мустаҳкамлашга ҳисса қўшаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Пан Ги Мун давлатимиз раҳбарига самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Ўзбекистонда БМТнинг Барқарор тараққиёт мақсадларига тўла мос бўлган 2021 йилгача Ҳаракатлар стратегияси

доирасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохот ва янгиланишларни юксак баҳолади.

Ўзбекистоннинг Оролбўйида ижтимоий-иқтисодий вазиятни яхшилаш, экологик муаммоларни бартараф этиш, соғлиқни сақлаш ва таълим тизимини ривожлантириш, инфратузилмани такомиллаштиришга хизмат қилаётган 2018-2021 йилларда Оролбўйи худудини ривожлантириш бўйича Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлари алоҳида қайд этилди.

Давлатимиз раҳбарининг инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосидаги траст жамғармасини ва Оролбўйи халқаро инновация марказини ташкил этишга оид тақлифлари тўлиқ қўллаб-қувватланди.

Пан Ги Мун бундан буён ҳам Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасида стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашга фаол қўмаклашишга, Орол фожиаси оқибатларини бартараф этишда самарали ҳамкорлик қилишга тайёр эканини таъкидлади.

Ў.А

Халқаро муносабатлар

ЎЗБЕКИСТОН — БОЛГАРИЯ: ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

2018 йилнинг ноябрь ойида Болгария Республикасининг пойтахти София шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Болгария Миллий мажлиси билан ҳамкорликни кенгайтириш йўлидаги навбатдаги учрашуви ўтказилди.



Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси делегацияси аъзолари мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган 2017-

2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили" Давлат дастури асосида мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий, ташқи сиёсат соҳасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилаётгани тўғрисида маълумотлар берди. Болгария парламенти аъзолари "Ўзбекистон — Болгария" дўстлик гуруҳига жуда катта қизиқиш билдирди.

7-бет →

Фракция позицияси

ВАЛЮТА АЙРИБОШЛАШДА ФУҚАРОЛАРГА ҲАМ ЛИЦЕНЗИЯ БЕРИШ ТАКЛИФИ ИЛГАРИ СУРИЛДИ

Айни кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилмоқда.

Мамлакат ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга қаратилган ушбу қонун лойиҳалари бўйича ЎзМТДП фракцияси аъзолари фикри билан қизиқдик.

2-бет →



Назорат ва таҳлил

ТАНҚИДДАН СЎНГ...



Гарчи мустақиллик даврида муқаддас қадамжолар, моддий-маданий ёдгорликларни асраб-авайлашга нисбатан муносабат тубдан ўзгарган, кўплаб осори-атиқалар қайта тикланиб, обод қилинган бўлса-да, лекин уларнинг ҳаммасини ўз вақтида асраб қола олмадик. Бугунги кунда айрим тарихий ёдгорликларимизнинг ўрганишлар жараёнида таъмирга муҳтожлиги, баъзилари йўқолиб кетиши даражасига келиб қолгани, ҳатто, минг афсуски, баъзиларини йўқотиб ҳам бўлганимиз аниқланди. Шу боис мамлакатимиздаги мавжуд тарихий ёдгорликларнинг аниқ сони ҳам маълум эмас эди. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси соҳа вакиллари, экспертлар, тарихчи олимлар, депутатлар ва партия фаолларидан иборат ишчи гуруҳлари тузиб, барча худуддаги маданий мерос объектларини ҳам ўрганиб, ҳам хатловдан ўтказмоқда, кадастр ҳужжатлари тайёрланыпти.

3-бет →

Ҳиёбон

"БУГУНГИ АДАБИЁТ КЎНГИЛ АДАБИЁТИГА АЙЛАНМОҚДА..."



"Шеърят — соғинчдир, севинчдир, аламдир, ўйдир. Шу йўлда анча йиллардан буён қалам тебратиб келаятган Турсун Алининг "Тун товуши" тўпламини ва раққозан ўқувчи бунга яна бир қарра иқрор бўлади".

Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид таъниқли шоир ва таржимон Турсун Алининг нафақат "Тун товуши" китоби, балки бутун ижодида шундай баҳо берган эди...

Ижодкор билан "Ҳиёбон" кезар эканмиз, бунга яна бир бор амин бўлдик.

8-бет →

ОБУНА-2019

НАШР КЎРСАТКИЧИ — 158


Газетамизга обуна давом этмоқда!

"Соғлом танда — соғ ақл" дейдилар. Қачонки инсон жисмонан соғ, маънан баркамол бўлсагина жамиятда ўз ўрнига эга бўлади. Фарзандларингиз соғлом, мақсадга интилувчан, ижодий салоҳияти ва камолоти йўлида камарбаста бўлишни истасангиз, "Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Руслан НУРИДДИНОВ.

спортнинг оғир атлетика тури бўйича 2016 йилги Ўзбекистон Олимпиада чемпиони

Ушбу сонда:



TELEGRAM — КАТТА ЛОЙИХАНИНГ КИЧИК ИБТИДОСИ

7-бет →



"ЙўЛЛАР ТОШҚИН, СУВЛАР ТЎЛҚИН ҲОЛМАЙМАН-ЕЙ..."

4-бет →



"Milliy tiklanish" газетасини www.milliytiklanish.uz сайтида, шунингдек, fb.com/milliytiklanish, t.me/milliytiklanish_uz ижтимоий тармоқларида ҳам ўқинг!



